

MILLIY TIKLANISH



41 (206) ● 2012 йил 10 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ИСТИҚЛОЛ шарофати билан халқ хунармандчилиги соҳасида ҳам кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда хунармандлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нафақат юртимиз бозорлари, балки хорижда ҳам харидорлар кўпаймоқда.



АМИР ТЕМУР минорасининг 700 йиллик тарихи кашфиётидан икки хулоса келиб чиқади: биринчиси, бу бино Соҳибқирон бунёдкорлигининг Россиядаги намунаси. Иккинчиси, бу мақбара меҳрибон отанинг кизига бўлган порлоқ меҳри рамзидир.



ЮРТИМИЗДА миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, янада сайқал топтириш, санъатга иштиёқи баланд, истеъдодли ёшларни излаб топиш ҳамда уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада ривожлантиришда бундай санъат ҳафталигининг аҳамияти катта.

5 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

6 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
П.Р.Бобоҷоновни Хоразм вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:
Пўлат Разақович Бобоҷонов Хоразм вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2012 йил 9 октябрь

Ўзбекистон Президентининг Озарбойжонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2012 йил 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Боку шаҳрида бўлади. Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда. Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

● **ХАБАР**

Илмий-амалий семинар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертиза муаммолари бўйича кенгаш ташаббуси билан "Суд экспертизаси ва одил судлов ютуқлари" мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон ва Германия давлатлари амалиётида суд экспертиза фаолияти ва вазифалари, одил судловни таъминлашда экспертизанинг ўрни, суд экспертиза соҳасининг замонавий турлари бўлган суд-фенография, геном дактилоскопия, ашёвий далилларни текшириш учун қўлланиладиган замонавий усуллар ҳақида сўз юритилди. Бевоқиф мулоқот чоғида суд-тиббий, гиёҳвандлик воситалари, бармоқ излари, портрет экспертизаларини бугунги кундаги имкониятлари, уларни замонавий усуллар ёрдамида ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

6-бет

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

Шу йил 9 октябрь куни Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари аввало бу воҳа бошқа ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган табиати, саховатли тупроғи, кўҳна тарихи ва бой маданияти, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши биладиган, мард ва матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик, тўғрилик, қандай аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни очиб айтиш, мавжуд вазиятни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятлар айнан шу Хоразм элига мансублигини, бундай фазилат ва аломатларни юқори баҳолаб, вилоят аҳлига яна бир бор ўзининг юксак ҳурматини изҳор этишини таъкидлади.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, катта ютуқ ва марралар кўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари турли тармоқларда — бу sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш, илму фан, таълим-тарбия, спорт соҳалари бўлади — буларнинг барчасида эришаётган салмоқли натижалар мисолида кўриш, кузатиш мумкин.

Вилоят иқтисодий тобора юксалиб, жорий йил якуни бўйича 9 фоизга етиши кутилмоқда. Sanoat соҳасида охириги беш йил мобайнида 40 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Ушбу тармоқни ривожлантириш, унинг салоҳиятини оширишда сунгги вақтда мамлакатимиз микросида ўзини оқлаган ижобий тажриба

вилоятда кенг қўлланилмоқда. Яъни, иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун уларнинг тижорат банклари балансига ўтказилаётгани Хоразм воҳасида ҳам ижобий натижа бермоқда.

Ҳозирга қадар вилоятдаги касодга учраган 22 та корхонага 21 миллиард сўмдан зиёд инвестиция йўналтирилиб, уларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу асосда 2 мингга яқин иш ўрни қайта тиклангани, жумладан, Ҳазорасп ип-йигирув фабрикаси, "Унихо" қўшма корхонаси, "Ҳазорасп гиламлари" каби 12 та корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати модернизация қилингани эътиборга молик.

Енгил sanoat соҳаси ривожланишида "Богот текстиль", "Коттонтекс", "Даритал текстиль", "Жиласун", "Коботекс" ва "Ўзтекс Шовот" каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мен бугун фермерлар билан учрашганимда, "Ўзтекс Шовот" корхонасининг ишга тушганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Шовотлик фермернинг айтишича, одамлар ҳар куни бу замонавий бинони томоша қилиб ўтаётган экан. Бу кўп нарсани билдиради. Бу бино шунчаки чирой бериш учун эмас, балки қишлоқда яшаётган аёлларни, қизларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини одамлар яхши тушунади, деди Президентимиз.

Сессияда вилоят иқтисодий тинининг

ўсиш суръатлари, барча тармоқларнинг ривожланаётгани эътироф этилган ҳолда, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида sanoat соҳасининг улуши мамлакатимиз бўйича эришилган марралардан анча орқада қолаётгани қайд этилди.

Шу ҳақда гапирганда, муҳим бир масалани эсимиздан ҳеч қачон чиқармаслигимизни истардим, деди Юртбошимиз. Хоразм воҳасини тараққий топган ҳудудлар қаторига чиқариш, биз кўзлаган кўпгина марраларга эришиш йўлида, аввало, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини оширишда, ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, қолаверса, бутун Хоразм ўлкасининг қиёфасини ўзгартиришда айнан sanoat соҳасининг ривожини устувор ўрин эгаллаши кераклигини англаб олишимиз зарур.

Биз бу ҳақда кўп гапиримиз, лекин амалий ишларга келганда, бу соҳада бирёқлама ривожланиш, асосан енгил sanoat ҳисобидан ўсиш бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, тоmat ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак. Мавжуд консерва заводларининг техник ускуналари эскирганлини ҳисобга олган ҳолда, замонавий технологиялар асосида ишлайдиган янги корхоналарни қуриш лозим.

2-бет

● **ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик

РИВОЖИ ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ ГАРОВИДИР

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилади. Айниқса, тараққиётнинг "Ўзбек модели" ўзига хос жиҳатлари туфайли жуда кўп мамлакатларда эътироф этилмоқда.

Бу жорий йилнинг 12-14 сентябрь кунлари "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусида бўлиб ўтган йирик халқаро анжуман тимсолида яққол намойён бўлди. Унда иштирок этган кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтилари, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки вакиллари, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан келган етакчи экспертлар ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатётган хорижлик дипломатлар Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада танлаган йўли на-

қадар тўғри эканлигини бот-бот таъкидлашди.

Тарихан қисқа муддатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори суръатларда ривожланиши ҳақида гапирганда, авваламбор, соҳа ривожини устувор қилиш шакллантирилгани ҳамда мунтазам тақомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини таъкидлаш лозим.

3-бет

● **ИФТИХОР**

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси — Осиё чемпиони!

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб бўлди. Юртимизга ёруғ юз билан қайтган спортчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, футбол жамоатчилиги, журналистлар, ота-оналар ва мухлислар тантанали кутиб олди.



6-бет

● **ТАДҚИКОТ**

Россия Федерацияси Челябинск вилоятининг жанубида Варна шаҳри бор. Ушбу навқирон шаҳарнинг рамзи Кесене мақбараси ёки Амир Темур минорасидир. XIV аср ўрта Осиё меъморчилигининг ушбу нодир ёдгорлиги эса сир-синоатларга тўла. Етти асрдирки, рус тарихчи, археолог, элшунос, меъмор олимлари, қалам аҳллари бу ёдгорлик сирлари устида бош қотирадилар, лекин сир ҳамон ечилмай келмоқда.


Амир Темур минорасининг етти асрлик сирлари очилди

XX асрнинг еттиинчи йилларида немис академиги П. С. Паллас қолдирган расм ва чизмалар асосида ёдгорлик таъмирланди.

6-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАРФИБОТ

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МУҲИМ
ЎРИН ТУТАДИ

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши томонидан Бухоро тиббиёт институти билан ҳамкорликда “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирни ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси бош мутахассиси Д.Шарипов кириш сўзи билан очиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг қўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди, - деди.

Жумладан, у иштирокчилар эътиборини “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Нодавлат но-тижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигига қаратди.

Тадбирда Бухоро тиббиёт институти ижтимоий фанлар кафедраси мудир К.Турсунов “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг (ЎзМТДП мисолида) ўрни” мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида 2008 йил “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг кучга кириши сиёсий партияларнинг ва жамиятида янада ошириб, ҳар бир сиёсий партияни нафақат сайловлар пайтида, балки доимий тарзда халққа маъқул келадиган ғояларни ишлаб чиқиш, уларни рўёбга чиқариш бўйича муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширишга ундашини алоҳида таъкидлади.

Бухоро тиббиёт институти доценти Б.Ўринова хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи ҳақида гапириб, аёлларнинг миллий демократик тараққиёт жараёнларида фаол иштирок этиши нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларга ижобий таъсир кўрсатишини, балки уларнинг чин инсон, ўз тақдирини ўзи яратувчи, шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаол фуқаро сифатида шаклланишига ҳам ёрдам беришига тўхтади.

Тадбир қизгин баҳс-мунозаралар билан якунига етди. Ёшлар сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун бундай учрашувлар ва давра суҳбатларини кўпроқ ўтказиш керак, деган яқдил фикр билдирдилар.

Маннон ОТАБОЙ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Фарзандлар камоли

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ОИЛА ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Жамият асоси ҳисобланган оила институтини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш “Мустақкам оила йили” Давлат дастурида кўзда тутилган энг муҳим вазифалар сирасига кириди.

Оилалар мустақкам бўлса, шубҳасиз, жамият барқарор бўлади. Йил дастури доирасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар замирида ҳам жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оилаларнинг ролини ошириш, мустақкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустақкамлаш каби эзгу ишлар муҳим.

ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши ташаббуси билан Хатирчи туманидаги Ўзбекистон ҚФЙдаги “Галабек” маҳалла ўзарида ўтказилган “Мустақкам оила — жамиятимизнинг ҳад қилувчи кучидир” мавзусидаги тадбир ҳам айни масалага қаратилди. Унда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, маҳалла фаоллари, намунали ва ёш оилалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Анара Бобомуродова кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда жорий йилнинг “Мустақкам оила йили” деб эълон қилинган жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини такомиллаштириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш каби долзарб вазифаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, - деди нотик. Маърузачи, шунингдек, ЎзМТДП сайловларида Ҳаракат дастурида белги-

ланган вазифалар ҳамда партиянинг “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” ижтимоий-маънавий лойиҳаси ижросини таъминлаш борасида туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, оила — жамиятнинг ажралмас, энг муҳим бўғини. Тарбия, инсонийлик, юксак маънавият, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади. Шу боис, тадбирда йил дастурида белгиланган ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида олиб борилаётган партиявий ишлар, уларга давлат томонидан белгиланган имтиёз ва афзалликлар ҳусусида тўхталиб ўтилди.

Тадбир доирасида узоқ йиллар турмуш қурган намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибалари тарғиб этилди. Оилада қайнона-келин, эр-хотин муносабатлари, ота-онанинг фарзандлар тарбиясида аҳамият қаратиши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида ўзаро фикр алмашилди. Туман маданият бўлими томонидан ташкил этилган концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Баҳодир ТУРДИЕВ,
Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Юртимизда мустақилликнинг илк қунларидан маҳалла ва оила институтларини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, фарзандларимизнинг миллий қад-

риятлар руҳида камол топиши учун етарли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг “Мустақкам оила йили” деб номланиши бу борадаги ишларни янада жонлантirdи. Бугунги тадбирдан мақсад ҳам оилаларни маънавий баркамолликка етаклаш, уларнинг маънавий-ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашишдан иборат. Зеро маънавий комиллик оила мустақкамлигида муҳим аҳамият касб этди.

Шоира ХУШВАҚТОВА,
“Галабек” МФЙ БПТ раҳбари:

— “Мустақкам оила йили” муносабати билан ташкил этилган маъруза тадбирга биз, энг аввало, ҳудудда намунали оила деб эътироф этилган хонадон соҳиблари ва ёш оилаларни жалб қилдик. Бундан қўзланган мақсад эл орасида хурмат ва эҳтиромга лойиқ оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини тарғиб қилиш, ўзаро муносабатлар ҳамда фарзандлар тарбиясидаги ибратли жиҳатларини ёш оилаларга намуна сифатида кўрсатиш, маҳалламиздаги энг намунали оилаларни рағбатлантиришдан иборат бўлди.

Омон БЕРДИЕВ,
тадбир иштирокчиси:

— Юртимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолиги боис умр сўқмоқлариде қоқилмай турмуш ўртоғим билан биргаликда фарзанду-набираларга бош бўлиб, “Галабек” маҳалласида истиқомат қилиб келмоқдамиз. Қаердаки тинчлик бўлса, шу юрда фаровонлик, тўкинлик бўлади. Тадбир баҳона биз ёшлик чоғларимизни ёдга олдик. Талабалик йилларимиз, турмуш қурган давримиздаги бахтли онлар, биринчи фарзандимиз дунёга келган пайтдаги ширин ташвишлар ва ҳаёт йўлимиздаги қўрғон-кечирганларимиз ёдимизга тушди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

Маънавий қадриятлар

УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА ЁШ АВЛОДГА
БЕКАМУ-КЎСТ ЕТКАЗИШГА
ҚЎМАКЛАШИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлол туфайли халқимиз тинч ва осуда ҳаётга эришиб, жамиятда ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олий-жаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар тобора мустақкамлашиб бормоқда.

ЎзМТДП Бўстонлик туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ташаббуси билан “Камолот” ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида “Мустақиллик миллий тикланиш ва юксалишдир” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, “Ёшлар қаноти” ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, “Камолот” ЁИХ туман бўлими Кенгаши фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ётганлиги, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги ҳусусида фикр билдирдилар. Шунингдек, ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалбиде мустақилликни асраб-авайлаш ва қадрлаш каби туйғуларни янада мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этаятганлиги таъкидланди.

Тадбир сўнггида ЎзМТДП туман Кенгашига ариза билан мурожаат қилган фуқароларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

БУХОРО

ЎзМТДП Когон туман Кенгаши томонидан “Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, “Чолоки” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари С.Фармонов юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, замонавий технологиялардан хабардор бўлиш ва фойдаланиши учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилганлигини таъкидлади. Шунингдек, шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш, айниқса, хориждан кириб келаётган салбий ахборот хужурлари таъсиридан келажак авлодни ҳимоя қилиш ҳамда уларда маънавий-мафқуравий иммунитетни шакллантириш чора-тадбирлари ҳусусида сўз юритди.

Тадбирда сўзга чиққанлар глобаллашув жараёнларида турли йўл ва воситалар билан мамлакатимизга кириб келаётган ёт ғоялардан ёшларни ҳимоялашда миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизнинг аҳамиятини тушутириш, тарғиб қилиш лозимлиги ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада партия томонидан амалга оширилаётган тарғиб тадбирларини таъсирчанлигини ошириш ҳамда мазкур йўналишдаги ишлар қамровини янада кенгайтириш зарурлигини эътироф этишди.

СУРХОНДАРЁ

Юртимизда юксак маънавиятли, салоҳиятли авлодни камол топтириш, улар онига миллий қадрият ва урф-одатларимизга нисбатан хурмат туйғусини сингдириш, халқимиз томонидан азалдан сақланиб келинаётган “устоз-шоғирд” аънаваларини янада ривожлантириш, устоз-мураббийларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсад ва майловолди Платформасида белгиланган ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий қадриятларимизга хурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга қўмаклашиш каби устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда устозлар муҳим ўрин тутди.

ЎзМТДП Узун туман Кенгаши томонидан “Устоз отангдай улуг” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳам ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, туман Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ЁИХ туман бўлими Кенгаши ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди. Таъкидланганидек, юртимизда ҳеч қандам кам бўлмаган ёш авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия бериш, улар қалбиде Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир сўнггида иштирокчилар мана шундай тадбирларни худуднинг олис қишлоқларида ҳам ўтказиш таклифини билдирдилар.

ФАРҒОНА

Юртимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, соҳага ёшларни кенг жалб қилиш, “устоз-шоғирд” аънавий мактабларни ташкил этиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий электорати саналган хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит ва имкониятлар яратишга қўмаклашиш борасида қатор амалий тадбирлар ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Фарғона шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган “Маҳалларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари” мавзусидаги тадбир ҳам ана шу мақсадлар ижросига қаратилди. Унда партия шаҳар Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Хунарманд” уюшмаси шаҳар бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ва “Камолот” ЁИХ шаҳар бўлими Кенгаши ходимлари, хунармандлар ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Юртимизда миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДП электорати саналган хунармандларга кенг шарт-шароит яратиш, улар меҳнатини рағбатлантириш, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этиш орқали ёшларни соҳага кенг жалб қилиш борасида қатор тадбир, кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этилмоқда. Шунингдек, жойларда хотин-қизларга хунармандчилик ва касаначилик сир-асропларини ўргатиш орқали янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Тадбирда сўз олганлар миллий хунармандчиликни чекка худудларда ҳам ривожлантириш борасида тарғибот ишларини янада кучайтириш, “устоз-шоғирд” мактабларини йўлга қўйиш даркорлигини алоҳида таъкидлашди.

Йигилиш сўнггида миллий хунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди.

Эргаш ХЎЖАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Партия дастурий мақсад-вазифаларини жамоатчилик орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг аъзолари сафини кенгайтириш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, сайловчилар ҳуқуқларини таъминлаш каби партиявий фаолиятимиздаги муҳим ишлар самарадорлиги беvosита бошланғич партия ташкилотлари фаолиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш, БПТ етакчиларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини кучайтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада оширишга қаратилган қатор ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши тасарруфида 8 минг нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган 200 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда қуйи бўғин ишини янада жонлантириш, етакчилар ташаббускорлигини ошириш борасида қуйи бўғин ишлари боис, бугун бошланғич партия ташкилотлари фаолиятда ижобий самарадорликка эришилмоқда. Ўтган йили Жиззах тумани “Туғқли” маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич ташкилот дастлаб 3 нафар партия аъзоси билан иш бошлади. Саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йил бошида

аъзолар сони 30 нафардан ошди. Ўтган даврда қуйи бўғин сафи сезиларли кенгайтириш билан бирга партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш ҳамда партия электорати ва хайрихоҳларини ўйлантираётган масалаларни халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари ёрдамида бартараф этиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

— ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия вилоят Кенгаши

Сайловчилар эътирофи

УНГА АМАЛИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТ БИЛАН ЭРИШИШ ЛОЗИМ

томонидан ўтказилган ўқув-семинарларда олган билимларимиз қўл келмоқда, - дейди БПТ етакчиси Муҳайё Пармонова. — Фаолиятимизда партия электоратининг ижтимоий фикри, хоҳиш ва истакларини ўрганиш, эҳтиёжларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Зеро, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ишончини қозонишнинг муҳим шартидир. Бу жараёнда партия туман Кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик фаолиятимиз самарадорлиги ошишига ҳизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, қуйи бўғин ёки туман Кенгаши томонидан ўтказилаётган қайси бир тадбир ёки қилинаётган амалий саъй-ҳаракатни олиб қараманг, унда мазкур бўғин аъзоларининг алоҳида таъаббускорлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, қуйи бўғин ташаббуси билан “Ёш оилалар ўртасида оилавий тадбиркорликни ривож-

лантириш” мавзусида мунтазам тадбирлар ўтказилди. Унда ҳудудда истиқомат қилаётган оилавий бизнес вакиллари ҳамда хунармандлар иштирок этмоқда. Аҳамиятлиси, тадбир воситасида оилавий тадбиркорлар ва қадриятларимиз давомчилари фаолиятга тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ўрганилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлик гуруҳига тақлифлар киритилмоқда. Шунингдек, қуйи бўғин томонидан ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизга хурмат руҳида вояга келаятган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етказиш, улар онига эзгулик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Бибимарям ҲОЗИЕВА,
ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● ПАРТИЯ ДАСТУРИ — АМАЛДА



Миллий хунармандчилик

УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Таъкидлаш жоизки, миллий хунармандчилик оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанасини давом эттириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Бу борада ҳудудий партия ташкилотлари томонидан қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирлар оилавий бизнес вакиллари, касаначи ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтириш, имтиёзли банк кредитлари ажратилиши ҳамда соҳага оид қонунчиликдан кенгроқ хабардор қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ургут туман Кенгаши ташаббуси билан "Миллий хунармандчиликни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда партия Ургут туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" етакчилари, хунармандлар, оилавий тадбиркорлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Ургут туманида бир неча асрлардан буён хунармандчилик соҳасида ривожга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, хунарманд усталар сулоласи аждодлар ишини давом эттириб келмоқда. Зеро, мазкур соҳа ривожига

таъкидлаш жоизки, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ҳамда ёшларни доимий иш билан таъминлаш, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, қолаверса, ота-боболаримиз меросини асраб-авайлашга замин яратмоқда.

Донишмандлар хунарсиз кишини қанотсиз қушга ўхшатишган. Қушга қанот қанчалик керак бўлса, хунар ҳам инсонга шунчалик зарур, - деди уста қулол Пўмон Облоқулов. — Истиклол шарафати билан халқ хунармандчилиги соҳасида ҳам кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда хунармандлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар

га нафақат юртимиз бозорлари, балки чет эллардан ҳам харидорлар чиқмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, ёш авлодга хунар сирларини ўргатишга қаратилган "устоз-шогирд" мактабларини ташкил этиш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Зеро, бу соҳа ўз анъаналарининг боқийлиги — авлоддан-авлодга ўтиши билан барҳаётдир.

Давра суҳбатида иштирок этган хунармандлар ёшларга қулолчилик тарихи ва сир-асрорлари ҳақида маълумотлар бердилар.

Азамат ХАЛИМОВ, ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби

● АЁЛЛАР ҚАНОТИ

Хотин-қизларга эътибор

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ПОЙДЕВОРДИР

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлларга бўлган эътиборнинг юксак намунаси туфайли улар жамият ҳаётининг турли жабҳаларида самарали фаолият кўрсатишмоқда. Хусусан, ЎЗМТДП хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, миллий қадриятлар, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлаш йўлида ишчи фаолият олиб бориши ўзининг асосий мақсадларидан деб билади.

Давлат дастурини амалга тадбиқ этиш, бу борада "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан амалга оширилаётган ишлар, бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида сўз борди.

Таъкидлаш жоизки, партия вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан оилавий бизнес, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада халқ усталари, мусавирлари "Хунарманд" ва "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, партияимиз томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбирда хунармандлар кўргазмасини ташкил қилиш анъанага айланганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Вилоятимизда истиқомат қилувчи ҳар бир хотин-қизга елкадош бўлишни мақсад қилган "Аёллар қаноти" имкон қадар маҳалла ва ҳонадонларга кириб бориб, тадбирлар воситасида партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтирмоқда. Ибратли оилалар тажрибаларини оммалаштириш чоралари кўриломоқда. Шунингдек, ёш оилалар учун махсус тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ўтказилаётган тарғиб ишларида шифокорлар, ҳуқуқшунослар, кўпни кўрган отахону онахонлар жалб этилмоқда. Ушбу суҳбатларда тўй базмларида миллий қадрият сифатида ёндошиш, уларни камчиқим қилиб ўтказиш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, эрта никоҳнинг олдини олиш, қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймаслик каби долзарб мавзуларда маърузалар тақдим этилмоқда. Бу эса ёшларнинг оилага бўлган муносабатини яхшилаш билан бирга, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва тиббий билимларининг ошишига хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда тўрт йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Донилик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик танловининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўтган йиллар давомида танловнинг шаҳар, туман ва вилоят босқичларида 400 дан орტიқ хотин-қизлар иштирок этдилар. Айни пайтда уларнинг аксарияти партия шаҳар, туман кенгашларида фаолият кўрсатиб, ЎЗМТДП дастур ва мақсадларининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу йил ҳам кўрик-танловнинг шаҳар, туман босқичларида 100 нафарга яқин иштирокчилар ўз сиёсий билимларини, иқтидорларини намойиш қилдилар. Танловнинг вилоят босқичидан 9 нафар иштирокчи ўзaro куч синишиб, улар ичида энг доно ва ташаббускор республика босқичида иштирок этди.

Мухтасар айтганда, ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" партияимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлорлар жараёнидаги фаоллигини оширишга кўмаклашиб келмоқда.

Нигора НУРУЛЛАЕВА, ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девония етакчи мутахассиси

● ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

Электорат ва сайловчи манфаатлари

УЛАРНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДАН ТАШАББУСКОРЛИК ҲАМДА ФАОЛЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташланди. Амалга оширилаётган кенг кўламли ишлорлар натижасида юртимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб, демократик қадриятлар одамлар онига тобора синиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, жамият ҳаётида юз бераётган демократик янгилишларга таъсирли тобора ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ЎЗМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 30 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 1000 нафарга яқин депутат фаолият кўрсатаётди.

Маълумки, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгаши депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларига ташаббуслар билан чиқиш, электорат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган масалаларга ижро ҳокимияти эътиборини жалб қилиш ҳамда амалдаги қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, жойлардаги ижро ҳокимияти фаолияти устидан депутатлик назорати ўтказиш ваколатига эга. Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция партия депутатлик гуруҳлари зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклайди. Бу борада Ўзбекистон

"Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан барча ҳудудий партия ташкилотларида "Партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари", "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш", "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимда ижтимоий-маънавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш" ва "Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли" каби мавзулардаги ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Ушбу ўқув-семинарларда жойлардаги партия депутатлик гуруҳларининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини янада ошириш, партия гоя-мақсадларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб

қилиш ҳамда электорат ва сайловчилар манфаатларини таъминлаш, уларда учраётган айрим муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги VII Пленумида депутатлик гуруҳлари ишини тубдан кучайтириш, электорат ва партия ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, партия гоя ва мақсадларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга кўмаклашиш, депутат ташаббускорлигини

Партия депутатлик гуруҳлари томонидан 2012 йилнинг 8 ойи давомида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида бир қанча масалалар бўйича 300 дан орტიқ депутатлик сўровлари киритилди. Бундан ташқари, жойлардаги депутатлар номига сайловчилардан ижтимоий масалаларга оид, хусусан, йўл қурилиши, аҳолини иш, тоза ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр энергияси билан таъминлашга доир 400 дан орტიқ мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 300 дан зиёди ижобий ҳал қилинди.

янада кучайтириш мақсадида партия депутатлик гуруҳлари томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш", "Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳуқуқат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ва "Худуд-

да туризмин ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" каби мавзуларда маҳаллий кенгаш сессияларида ташаббус билан чиқиш таклиф этилган эди. Жорий йилнинг ўтган даврида юқоридаги масалалар юзасидан жойлардаги партия депутатлик гуруҳлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига ташаббус билан чиқдилар. Шунингдек, партия депутатлик гуруҳлари томонидан 2012 йилнинг 8 ойи давомида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига, тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган корхона, муас-

минлашга доир 400 дан орტიқ мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 300 дан зиёди ижобий ҳал қилинди.

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамдан жойлардаги партия депутатлик гуруҳларини янада кучайтириш, уларга зарур тавсия ва таклифлар бериш ҳамда ўтган даврдаги фаолиятининг ҳисоботини тинглаш амалиёти жорий этилди.

Мазкур сай-ҳаракатлар натижасида депутатлар янада фаолроқ бўлиш, ташаббус кўрсатиш ҳамда депутатлик ваколатидан тўла-тўқис фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафининг ошиши, жамоатчилик орасида ЎЗМТДП нуфузининг янада мустаҳкамланишининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда

Аловиддин УМАРОВ, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девония бўлим бошлиғи

ланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафининг ошиши, жамоатчилик орасида ЎЗМТДП нуфузининг янада мустаҳкамланишининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда

Аловиддин УМАРОВ, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девония бўлим бошлиғи

Аловиддин УМАРОВ, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девония бўлим бошлиғи

МАЪНАВИЯТ

ТАДҚИҚОТ



Амир Темур минорасининг етти асрлик сирлари очилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

ланишлар олиб боришдан иборат эди.

кариси — ерига текис мрамор ётқизилган, шифтида қабутарлар яшайди.

БУ ҚАНДАЙ БИНО?

Бу борада журналист Владислав Веригонинг "Вечерний Челябинск" газетасининг 2010 йил 12 март сониде эълон қилинган мақоласи эътиборга молик. Зеро, ушбу ахборот ўтган асрнинг 70-йилларидан ҳозиргача йилгилган маълумотлар орасида Кесене мақбараси (Амир Темур минораси ёдгорлиги) билан алоқадор қизиқарли маълумотлар, кўтарилган муаммоларга нисбатан бой ва муфассаллиги билан диққатга сазовордир.

АМИР ТЕМУР МИНОРАСИ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

XIV асрнинг тарихий ёдгорлиги Кесене мақбараси (Амир Темур минораси) Челябинск вилоятининг Варна тумани марказидан уч чақиримлар шарқ томондаги собиқ Болшоё Кесене кўли соҳилида қад кўтарган.

Таъмирланган ва деярли асл ҳолига келтирилган мақбара ҳар қандай киши тасаввурини ўйғотиб юборади-ю, асрий сирларни ўз бағрида яширганча сукут сақлаб тураверди. Унинг сир-асрорларини очиб ҳали ҳеч кимга насиб этмаган.

Уч юз йил илгари бу қадимий мақбара вайронларини қазиб пайтида дафн этилган ёш аёл суякларни топилган. Унинг бошида шохча рўмол қолдиқлари, қўлида икки нақшикор қимматбаҳо узук ва бўйнида сўроқ белгиси шаклидаги олтин маржон шодалари бўлган. Ушандан буён бу аёл ким бўлган экан, деган муаммо тадқиқотчиларга тинчлик бермапти.

Амир Темур минораси сирларини ўрганишга Варна ҳафтама мухбири Галина Золотарева 20 йилдан ортиқроқ умрини бағишлади. Унда бу ҳақда янги таҳмин туғилди: Афсонавий лашкарбоши Амир Темур ҳарбий сафарда ҳарамини ҳам олиб юрди. Унинг ёш ва суюкли чўриларидан бири бир навкар билан қочиб кетишди. Уларнинг ортидан таъқиб этувчилар жўнатилди. Қочқарларни қуваетган аскарлар етиб олиб жангчини қатл этишди. Қиз эса ўз кўксига ханжар санчиб, жонсиз ҳолда севгилисига ёнига қўлади. Амир Темур аскарлари қиз қабри устига ушбу мақбарани қурадilar.

Маҳаллий аҳоли ёдида қолган ривоятга кўра, Кесенедаги мақбарада Амир Темурнинг қизи дафн этилган. Бузи маълумотларга кўра, Амир Темур сафарда юрган пайтда жигарбанди оламдан ўтгач, унга атаб шу ерда мақбара бунёд этган.

Чўлдаги ушбу обида XIV-XV аср мусулмон мемориал архитектураси намунаси экани ва унда аёл киши дафн этилгани аниқ. Мақбара қизғиш пишиқ

ғишдан тикланган бўлиб, унинг таркибиде қизил туپроқ, ёввойи кушлар тухумлари ва туя сути (бошқа бир версияда — эчки сути) қўшилган.

Бундай ғишлар ўта мустаҳкам бўлган. Ғишлар ҳозирги Троицк райониде Уй дарёси соҳилида тайёрланиб, минорагача кўпмингли аскарлар томонидан қўлма-қўл узатилган.

Янги ғишлар ҳам ўша қадимий технологияда тайёрланган, бироқ буларга туя сути қўшилмаган. Амир Темур минорасига республика аҳамиятига молик ёдгорлик мавқеи берилган. Мақбара атрафи ботқоқликдан иборат. Унга Новопокровское кишлоғига олиб борадиган йўл трассасидан бурилиб, нисбатан яқин бўлган туپроқ йўл орқали бориш мумкин.

Мақбара яқинидаги йўлакка тошлар ётқизилган. Бино ўтган асрнинг 80-йилларида таъмир қилинган ва ҳозир худди янги бунёд этилгандай кўзга ташланади. Эски ғишлар янгилири билан алмаштирилган. Мақбара ичкарасига панжарали эшик орқали кирса бўлади: бино ич-

Тўхтамишни Олтин Ўрда тахтига ўтқизиб қайтиб келади.

Нобакор Тўхтамиш эса Соҳибқирон Эрон юришида эканида унинг юрти Туронга ҳужум қилади. Соҳибқирон бунисини кечиролмай 1391 йили Тўхтамишга қарши лашкар тортади. 1391 йил 18 июнь куни ҳозирги Самара вилоятининг Кондурча (Қундузча) ва Сок (Сўх) дарёчалари туташган жойда икки юз минг кишилик Амир Темур ва шунча миқдордаги Тўхтамиш лашкари ўртасида жанг бўлади. Тўхтамиш енгилиб, шимолга қочади. Соҳибқирон лашкари уни таъқиб этади...

Жангда Тўхтамишнинг ўғли асир тушади. Амир Темурнинг қизи асирлар сафиде жанг хон ўғлини ёқтириб қолади. Посбонни қўлга олган қиз йигит билан отда қочиб кетади. Ошиқлар Большое Кесене кўлига етиб келганларида, ўн-ўн беш кунлик оч-наҳорликдан толиққан қиз вафот этади. Аламга чидаёлмаган йигит ҳам ўз жонига қасд қилади.

Жангтоҳдан 80 чақирим нарироқдаги Қамишли шаҳрида яшаётган шоир Сайфи Саройи (1321-1396) ошиқ-маъшуқлар воқеасини эшитиб, «Сухайл ва Гулдурсун» достонини ёзади. Достон мазмуни: Амир Темур Тўхтамишга қарши лашкар тортиб боради. Қаттиқ жанг бўлиб, Тўхтамиш енгилиб қочади. Ўғли Сухайл асир тушади. Уни зиндонга ташлаб қўйишади. Асирлар келтириляётганда Амир Темурнинг Гулдурсун исми қизи уни кўриб севиб қолади. Зиндон қоровулини маст қилиб, қиз ва йигит икки отда қочиб кетадилар. Сувсиз, кум қайнаган чўлларда оч-наҳор юрадилар. Кўп ўтмай бу азобларга дош беролмаган Гулдурсун ҳам, сахро ичиде якка-ёғиз қолган йигит ҳам вафот этади. Достон 1394 йилда ёзилган.

Филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиев "Ўзбек адабиёти". 9-синф дарслиғида ёзади: "Муаллиф достон воқеаларининг тарихий асослари борлигини шундай таъкидлайди: эмас афсона, чин ушбу битилмиш, Бу чин афсонадек ишқиде етилмиш".

Амир Темур жўнатган изқуварлар фожиа дарагини Соҳибқиронга етказадилар. «Султон сўягини ҳўрламас», деганларидек, Амир Темур буйруғи билан ҳозирги Троицк шаҳри яқинидаги Уй дарёси соҳилида пишиқ ғишт тайёрланиб, икки юз минг аскар кўмағида қўлма-қўл қол соҳилига узатилади. Ва юз чақирим кимсасиз чўл ўртасида ушбу мақбара қад кўтарди.

Ана шу мақбара туфайли Кесене кўли (Болшоё Кесене) ва Кесене дарёси номилири пайдо бўлди. Хўш, Кесене сўзи қаердан келди? П.С.Паллас, В.С.Кобзов ва бизнинг хулосаларимизга кўра "Кесене" сўзи "қошона", яъни мухташам бино ёки қаср эканлиги маълум бўлди. Демак, дарё ва кўл номи ҳам "қошона" сўзидан Кесене ҳолига келиб қолган.

Мақбара Қошона деб аталган бўлса, наҳотки бирор тарихий асарда бу бино ҳақида дарақ бўлмаса, деган ҳақли савол туғилади. Бу ҳам топилди. Муҳаммад Хайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" асарида қасрнинг номи Кўк Қошона, деб ёзилган. Шайбонийнинг 1509 йилда қозоқ хони Қосимхон билан жанг қилиш учун шу ерлагача келади. Ва бошқа бошпана бўлмагани туфайли Кўк Қошонада бир неча ҳафта яшайди. Бинонинг Кўк Қошоналиги ҳам тўғри. Чунки мақбаранинг узунчоқ тоқи кўк бўлган. Демак, Амир Темур қизининг мақбараси "ёзуви қўйилса, тарихий ҳақиқат тикланади.

Кесене мақбарасининг етти юз йиллик сирлари ана шулардан иборат эди. Энди бу ҳақиқат кашфиётдан икки хулоса келиб чиқади: биринчиси, бу бино Соҳибқирон бунёдкорлигининг Россиядаги намунаси. Иккинчиси, бу мақбара меҳрибон отанинг қизига бўлган порлоқ меҳри рамзидир.

Ваҳо РАХМОНОВ, филология фанлари номзоди, Халқроқ Бобур мукофоти лауреати

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси — Осиё чемпиони!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди тарбияланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талабларига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлаёттир.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга ошириляёттир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш — доимий эътиборда.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг кетма-кет икки мартаба - 2010 йили Тошкён-

тда, бу йил Техронда ўтган футбол бўйича Осиё чемпионида финал учрашувида иштирок этгани ва жаҳон чемпионатларига йўлланма олгани болалар спортини ривожлантириш борасида амалга ошириляётган аниқ дастурларнинг ҳаётий самарасидир.

2013 йили Бирлашган Араб Амириклариде ташкил этиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи ягона турнир — Осиё чемпионида қитъамизнинг 37 терма жамоаси ФИФА ажратган тўрт йўлланма учун баҳс олиб борди. Саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтган 16 терма жамоа Эрондаги қитъа чемпионидаги финал қисми "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш — доимий эътиборда.

Чорак финалда ҳамюртларимиз чемпионлиқа асосий даввогарлардан ҳисобланган Жанубий Корея футболчиларини пенальтилар сериясиде енгиб, жаҳон чемпиони йўлланмасини қўлга киритди. Ярим финалда футболчиларимиз мусобақа мезбони - Эрон ўсмирлар терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этди.

Финалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Япония вакиллариға қарши майдонға чиқди. Уйин рақиб жамоа учун омадли бошланиб, Такума Минзутани 6-дақиқада ҳисобни очди. Аммо ўсмирларимиз кучли ирода, катта спортчиларға хос характерни намойиш этиб, ташаббусни ўз қўлиға олди. Иккинчи бўлимада Ақобир Тураевнинг голи эвазига ҳисоб тенглаштирилди.

Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якунланган, голиб пенальтилар сериясиде аниқланди. Унда 3:1 ҳисобида "за-

фар қучган ўзбек футболчилари илк мартаба Осиё чемпиони, деган шарафли номға сазовор бўлди.

— Шогирдларим бундай нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятни ҳис этган ҳолда, кўтаринки руҳ ва кучли иштиёқ билан тўп сурди, - дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев. — Улар бугун дунёга юртимизда жисмонан ва маънан етуқ баркамол авлод воёга етаётганини, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмадлигини ана бир бор исботлади.

— Биз Осиё чемпионидаге зафар қучиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш баҳтиға муяссар бўлганимиздан беҳад хурсандимиз, - дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Отабек Шукуров. — Бу натижа билан тўхтаб қолмаймиз. Насиб қилса, келаси йили ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионидаге ҳам нуносибо қатнашиб, ўзбек футболининг юксак салоҳиятини бугун жаҳонға намойиш этишимиз.

Осиё чемпиони бўлган ёш футболчиларимиз катта спорт сари илк залворли қадамини қўйди. Келажакда уларни янги мусобақалар, жиддий синовлар кутмоқда. Халқимиз эса ўз фарзандларига янада юксак зафарлар тилайди. Бугун мамлакатимизда ёш авлоднинг ўз орузумидларини рўёбға чиқариш учун барча имконият ва шарт-шароит мавжудлиги бунга ишонч уйғотади.

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Иқромов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, Ўза мухбири

МАДАНИЙ МЕРОС

Осори атиқаларда тарих акси

Дунёдаги турфа миллату элатларнинг ҳар бири ўз тарихи ва тараққиёт йўлиға эга. Улар инсоният деб аталмиш ягона бир яхлитликнинг бўлимиш заррала-ридир. Бироқ, дунё халқларининг ҳеч бирини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, оламда юксак тафаккури ва бетакрор қобилияти билан буюк инкишофлар, буюк шахслар бор. Уларнинг дунё тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссаси бебаҳодир.

Ана шундай умумэтироф этилган миллатлар орасида халқимиз ҳам бор. Зеро юртимиз ўзининг бой тарихи, буюқ фарзандлари бунёд этган бебаҳо маънавий хазинаси билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бунга элимизнинг ажойиб инсоний ва миллий қадриятлари, мафтуноқ санъати, бунёд этган гўзал тарихий обидалари, авлодларға мерос қолдирилган улкан миллий-маданий мерослар мисолдир. Бу ҳолни юртимизнинг ҳар бир гўшасида қуриш мумкин. Шундай қадимий маданият маркази бўлган Сурхондарё замини ҳам жаҳон фани ва илмий тадқиқотларида ўзига хос ўринға эга эканлигини шу вақтға қадр аниқланган 900 га яқин тарихий, меъморий ва археологик манзилгоҳлар ҳам исботлаб турибди. Уларнинг қарийб 400 га яқини муҳаммал ўрганилган.

Минг йиллик тарихға эга осори-атиқаларимизни асраб-авайлаш ва тарғиб этишда 2002 йил апрель ойида Президентимиз ташаббуси ва лойиҳадан иборат эди. Энди бу ҳақиқат кашфиётдан икки хулоса келиб чиқади: биринчиси, бу бино Соҳибқирон бунёдкорлигининг Россиядаги намунаси. Иккинчиси, бу мақбара меҳрибон отанинг қизига бўлган порлоқ меҳри рамзидир.

Ана шундай умумэтироф этилган миллатлар орасида халқимиз ҳам бор. Зеро юртимиз ўзининг бой тарихи, буюқ фарзандлари бунёд этган бебаҳо маънавий хазинаси билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бунга элимизнинг ажойиб инсоний ва миллий қадриятлари, мафтуноқ санъати, бунёд этган гўзал тарихий обидалари, авлодларға мерос қолдирилган улкан миллий-маданий мерослар мисолдир. Бу ҳолни юртимизнинг ҳар бир гўшасида қуриш мумкин. Шундай қадимий маданият маркази бўлган Сурхондарё замини ҳам жаҳон фани ва илмий тадқиқотларида ўзига хос ўринға эга эканлигини шу вақтға қадр аниқланган 900 га яқин тарихий, меъморий ва археологик манзилгоҳлар ҳам исботлаб турибди. Уларнинг қарийб 400 га яқини муҳаммал ўрганилган.

Минг йиллик тарихға эга осори-атиқаларимизни асраб-авайлаш ва тарғиб этишда 2002 йил апрель ойида Президентимиз ташаббуси ва лойиҳадан иборат эди. Энди бу ҳақиқат кашфиётдан икки хулоса келиб чиқади: биринчиси, бу бино Соҳибқирон бунёдкорлигининг Россиядаги намунаси. Иккинчиси, бу мақбара меҳрибон отанинг қизига бўлган порлоқ меҳри рамзидир.

Минг йиллик тарихға эга осори-атиқаларимизни асраб-авайлаш ва тарғиб этишда 2002 йил апрель ойида Президентимиз ташаббуси ва лойиҳадан иборат эди. Энди бу ҳақиқат кашфиётдан икки хулоса келиб чиқади: биринчиси, бу бино Соҳибқирон бунёдкорлигининг Россиядаги намунаси. Иккинчиси, бу мақбара меҳрибон отанинг қизига бўлган порлоқ меҳри рамзидир.

нўб деворий суратлар топиладиган. Ҳозирда улар пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи музейида сақланмоқда. Фаёзтепанинг меъморий тузилиши, қурилиш босқичлари таркибини аниқлашда янги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда ўрта Осиёда ягона тўлиқ қазиб олинган, илмий ва тарихан чўқур ўрганилган ибодатхона мажмуаси ҳисобланади. Қушонлар даврида тўлиқ шаклланган. Кейинлик қушон подшоиси Вима Қадфиқ подшолиги даврида унинг ички қисмида қурилишлар амалға оширилган. Қанқиша даврида ибодатхонада йирик қурилиш ишлари амалға оширилган. У III аср охирилариға келиб, вайрон қилинган ва кейинчалик IV асрда яна қайта тикланган. Бироқ V аср охиридан бошлаб, у яна секин-аста харобаға айлана бошлаган. Фаёзтепани қайта кашф қилиш чоғида хоналардан 16 та Қушон даври тангаларининг топилмиши муҳим воқеа бўлди. Улар саналарни аниқлашда керакли манба бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича 70 дан ортиқ Фаёзтепа ёзувларининг катта ва майда бўлақлари қадимий Ҳинд, яъни Барҳама алифбосида битилган. Ақсарият бўлақларидаги ёзувларда матнлар яхши сақланиб қолган. Бу ёзувлар миллий 200-50 йиллардан миллий 350 йилгача бўлган вақт оралиғида яратилган.

Термиздаги Фаёзтепа ибодатхонаси энг қадимийлардан ҳисобланади. Ҳолбуки, ҳозирда мавжуд маълумотларда Ҳиндда IV асрдан бошлаб ибодатхоналарға асос солина бошлаган. Фаёзтепадан кейин 300 йил ўтган Ҳиндда ибодатхоналар қурила бошлаган. Бунгун қунда Фаёзтепа нафақат юртимиз ахлини, балки дунё сайёҳларининг қизиқишиға сабаб бўлмоқда.


Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРХ

Атом энергияси келажаги мавҳум қолмоқда

“ФУКУСИМА-1” СТАНЦИЯСИДА РҶЙ БЕРГАН ҲАЛОКАТДАН СЎНГ ЖАМОАТЧИЛИК БОСИМИ ОСТИДА КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР, ХУСУСАН, ИТАЛИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, GERMANIYA VA JAPONIYA АТОМ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАРИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН



Кунчиқар юрт алақачон 2040 йилгача мамлакатдаги барча АЭСларни ёпиш ҳақида бир тўхтамага келган. Унга кўра, қирқ йилдан ортиқ ишлаб турган реакторлар тўхтатилиб, мавжудларидан қатъий тест текшируви ўтказилганидан кейин фойдаланилади. Ҳозир Японияда 53 та реактордан бор-йўғи иккитаси истеъмолчиларга электр-энергия етказиб бераётган бўлса, Фукусима фожиасига қадар маҳаллий аҳолининг учдан бир қисми атом энергетикасидан баҳраманд бўлган.

даги фалокатдан сўнг ёпилган. Немислар энди кўпроқ шамол ва қуёш, қолаверса, биологик ресурслардан электр манбаини ҳосил қилиш ҳақида бош қотирмоқда. Бундан ташқари Португалия, Ирландия, Дания ва Италия мамлакатлари ҳам атом энергетикасидан бутунлай воз кечган. Айни пайтда Россия атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланиш мақсадида етакчилик мавқеини эгаллаб турибди. Мамлакат олимлари дунёда ягона сувда ҳаракатланиб юрвучи АЭСни ҳам яратишди. У Сибирь ва Узок Шарқ аҳолиси ва ишлаб чиқариш муассасаларини электр қуввати билан таъминлайди. Сузиб юрвучи ПАТЭСлар Чукотка ва Вилочинск шаҳарларида қурилмоқда.

Атом электростанцияларида ўтган 60 йил ичида кўплаб авариялар юзага келгани маълум. Улардан энг йириги 1952 йил 12 декабрда Канаданинг Онтарио штатидаги Чолк Ривер АЭСи ишчи-хизматчиларининг кўпол хатоси туфайли радиация моддалари Оттава дарёсига оқиб тушган. Бу АЭСлар тарихидаги биринчи жиддий ҳалокатдир. Орадан беш йил ўтгач, Буюк Британиянинг Виндекейле шаҳридаги иккита реактордан биринчи ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетиши оқибатида ёнғин юзага келиб, 11 тонна уран ёниб кетган. Радиактив булутлар Англия, Ирландиядан тортиб, Бельгия, Дания, Норвегия, Германия худудигача етиб борди. Бу бо-

рада Украинадаги Чернобыль атом электростанциясидаги ҳалокатни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. 1986 йилда 26 апрелида 4-блокда 2 та кучли портлаш юз бериши оқибатида реактор блоқи ва машина зали ишдан чиққан. Атроф-муҳитга 190 тонна радиактив моддалар тарқалган.

Радиактив ифлосланишдан Россиянинг 19 та минтақасидаги 2,6 миллион аҳоли яшайдиган 60 минг квадрат километр, Беларуснинг 46 ярим минг квадрат километр, Украинанинг 50 минг квадрат километр майдони жиддий зарар кўрган. Чернобыль АЭСи жойлашган Припять шаҳарча-сидан кўчиб кетганларнинг айримлари яна ўз уйига қайтмоқда. Бу ерда тахминан 200 нафар аҳоли, асосан кексалар истиқомат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, худудда радиация нурланиш даражаси ҳамон юқориликка қарамай, Чернобыль худудида тижорий асосда фойдаланиш, яъни бу ерга сайёҳларни жалб этишга эътибор қаратилган. Маълумотларга кўра, 2008 йилда Чернобылга 5 ярим минг, 2009 йилда 6 минг 900, 2010 йилда 8 минг, 2011 йилда эса 9 минг хоржлик фуқаро ташриф буюрган.

Жорий йилда Украинада футбол бўйича “Евро-2012” чемпионати ўтказилган пайтда сайёҳлар сони янада орди. Украина ҳукумати Чернобыль худудидаги вазиятни яхшилаш учун ҳар йили 200 миллион гри-

вен атрофида маблаг сарфлайди. Ана шу харажатларни қоплаш учун Чернобыль туризмини ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилаётгани рост. Маҳаллий фуқаро бу худудга кириши учун ўз чўнтагидан 460 гривен, ажнабий фуқаро эса 1004 гривен сарфлашига тўғри келади. Суғурта пули эса 40-80 гривен атрофида эканлиги айтилмоқда.

Ривожланётган мамлакатлар сирасига кирувчи Ҳиндистонда атом энергетикаси соҳасида бой тажриба тўпланган. Осиёдаги бу давлатда нефть ва газ захираси деярли йўқ, десак хато бўлмас. Мамлакатда жами 22 та атом энергоблоқи бўлиб, 5 таси Тарапур ва Ражастанда жойлашган. Ҳозир мамлакатнинг Тамилнад штати Ченнаи шаҳрида 2002 йилдан бери бунёд этилаётган Куданкулам АЭСини ишга туширишга қарши норозилик намоийшлари тўхтамапти. Мазкур иншоот аслида 2011 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши керак эди, ammo “Фукусима-1”даги авария бунга халақит берди. Энди эса қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Биринчи энергоблоқ ядро ёнилгиси олиб келинган пайтда Ченнаи бандагроҳи минглаб намоийшчилар томонидан қуршаб олинди. Кўплаб норозиликларга қарамай, Ҳиндистон олий суди мазкур станциянинг иш бошлашига рухсат берувчи ўз қарорини чиқарган.

Мамлакат атом энергияси комиссияси мутахассислари Вьетнамда ҳам АЭС қурилишида фаол қатнашмоқда. Яқинда Ҳиндистонлик геологлар Ассам штати Дигбой худудидан нефть конини аниқлашган. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, бу ердаги 5,9 миллиард баррел нефть кунига 2 минг 485 баррелдан ишлатилган тақдирда 20 йилгача етади. Мамлакатда тошқўмир захираси мўл бўлгани билан ундан унумли фойдаланилмаётир. Кўмир конлари аҳоли яшаш жойларидан жуда узоқда, яъни ўртача 800 километр олисликда жойлашгани ҳам жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ҳозир қазиб чиқарилаётган кўмир 212, нефть эса 199 миллион тоннани ташкил этади.

Айни пайтда дунё АЭСларида қиймати 19 миллиард долларга тенг 77 минг тонна уран ишлатилмоқда. 2 миллиард тонна нефть эса бир триллионга тушади. МАГАТЭ ҳисоб-китобига, 2050 йилга бориб реакторлар учун 170-180 минг тонна атрофида уран керак бўлади. Бирок, Менделеев даврий жадалидаги бу элемент битмас-туганмас ҳазина эмас. 2020 йилнинг ўрталарига бориб захира тугаб қолиши мумкин, деган хавотирлар ҳам йўқ эмас.

Азимжон ПЎЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Глобал исиш вақтинчалик тўхташи мумкин

Яқин вақтлар ичида Қуёшда тўртта магнит кутби юзага келиш эҳтимоли мавжуд.

Бу жараён Ерда вақтинчалик совуқ иқлим пайдо бўлишига сабаб бўлади. Япониянинг миллий обсерваторияси ва Табиий фанлар институти олимлари сунъий йўлдош орқали қуёшни узоқ муддат кузатишдан сўнг шундай хулосага келишган.

Қуёшда одатда магнит кутблари ҳар 11 йилда алмашади. Бунда улар географик кутблар билан мос тушади. Навбатдаги алмашув 2013 йилнинг май ойида тўғри келиб, бунда қандайдир вақт мобайнида қуёшнинг ҳар икки кутби ҳам бир хилда исиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, натижада экватор худудида иккита муваққат манфий магнит кутблари шаклланади. Қуёшдаги бундай ҳодисалар олдин ҳам кузатишган. Масалан, XVII-XVIII асрларда сайёраимизда ҳаво ҳарорати тушиб кетган. Япониялик олимларнинг фикрича, ҳозир Қуёшда тўртта магнит кутбнинг пайдо бўлиши сайёраимизда иқлим исишини вақтинча тўхтатиб туради.



Маҳсулот ҳажми пасайиб, таннарх кўтарилмоқда

Испанияда жорий йилнинг иккинчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,4 фоиз камайган.

Мамлакат Статистика миллий институти тарқатган маълумотларга кўра, бу кўрсаткич 2011 йилни-кига нисбатан 1,3 фоиз оздир. Ҳозир Испания ҳукумати мамлакатни иқтисодий таназзулдан чиқариш учун зарур чораларни кўрмоқда. Шунга қарамай, аҳоли орасида ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. Айниқса, истеъмол товарлари нархининг “осмонга сапчиши” аҳолини мушкул аҳволга солиб қўймоқда. Эслатиб ўтамиз, «Moody’s» халқаро рейтинг агентлиги 2012-2013 йилларда Испанияни иқтисодий рецессия ҳолати кутмоқда, деб эълон қилган.

Агентликка кўра, ушбу мамлакатда 2012 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми пасайиши 1,5-2 фоиз; 2013 йилда эса 0,5-1,5 фоизни ташкил этади.



Нью-Йорк аҳолисига чеклов

Нью-Йорк шаҳар маъмурияти газланган ширин ичимликларни сотишга қарши қонун қабул қилган.

Қонунни бузганлар 200 АҚШ доллар микдорда жарима тўлайди. Ушбу қарор Нью-Йорк аҳолисини семизликдан қутқариш мақсадида ишлаб чиқилган. Айни пайтда шаҳар ёшларининг 40 фоизи семизлик оқибатида келиб чиқадиган касалликларга чалинган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда АҚШ аҳолисининг ҳар учдан бири семизликдан азият чекади. Мамлакат соғлиқни сақлаш ташкилоти бюджетининг 10 фоиз маблағи айнаш шу касалликка қарши курашишга сарфланмоқда. Сўнгги йилларда фаст-фуд ва газли ширин ичимликларга ружу қўйилган АҚШ аҳолиси ўртасида «семизлик эпидемияси» тобора авж олаётир.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ


Мексиканинг икки йирик шаҳри — Мерида ва Канкун оралиғидаги Писте шаҳарчасидан 1,5 километр жанубда жойлашган Чичен-Ица майя ҳиндуларининг энг йирик иншоотларидан бири ҳисобланади. Шаҳарга тахминан V-VI асрларда асос солинган бўлиб, ҳудуди 6 квадрат километрни ташкил этади.

Х асрга қадар бу қадимий шаҳар одамлар билан гавжум бўлган. Уша даврда шаҳардаги асосий қурилмаларнинг аксарияти жануб томонда барпо этилган. Эраимизга қадар 987 йилда Чичен-Ица тольтеклар қўлига ўтди. Шаҳарни ўз измига бўйсундирган тольтеклар ҳукмдори Кукулькан шаҳарнинг шимолий қисмини шакллантира бошлади. Чичен-Ицада мустақам ўрнашиб олган тольтеклар гегемонлики даъво қилиши ён-атрофидаги қўшни қабиалар норозилигига сабаб бўлади.

Негаки, Чичен-Ица ҳукмдорлари ҳар сафар янги солиқ ва бож турларини жорий этишарди. XIII асрга келиб вазият батамом ўзгаради. Урта шаҳар (Ицмалля, Майяпана ва Ушмалля) қабиалари бирлашиб, Чичен-Ица ҳукмдорини тахдан ағдаришарди. Афсуски, XIV аср сўнггида шаҳар абгор ҳолга келиб, яна хувиллаб қолади.

Чичен-Ицанинг диққатга сазовор қурилмаларидан бири Эль-Кастильо ёхуд Кукулькан пирамидасидир. Мазкур пирамиданинг баландлиги 24 метр бўлиб, унинг юқори қисмидан ибодатхона жой олган. Асоси квадрат кўринишида бўлган пирамиданинг томонлари 55,5 метрни ташкил қилади. Қолаверса, пирамида асосини қуришда дунё томонлари - шимол, ғарб, жануб ва шарқ аниқ ҳисобга олинган. Пирамида 9 погоннадан иборат. Унинг тўрт томонида тўртта кенг пиллапоя бўлиб, ҳар бирида 91 тадан зина бор. Жангчилар ҳарамни эса Кукулькан пирамидаси жойлашган катта майдоннинг ғарбий қисмидан бошланади. Ҳарам асосини тўрт погоннадан иборат 40х40 метрли зинасимон пирамида ташкил қилади. Унинг ён қисмида ҳар бири 3 метрлик тўрт қаторли устунлар мавжуд.

Чичен-Ица



Ушбу устунларнинг аксариятида тольтек жангчилари тасвирлангани боис, ҳарамга шундай ном берилган. Мутахассисларнинг айтишича, ўшанда ушбу устунлар устида том бўлган. Бирок, бизгача томинг бир бўлаги ҳам етиб келмаган.

Ҳарам рўпарасига ўрнатилган Чак-Мооля ҳайкали Чичен-Ицанинг ўзига хос рамзи ҳисобланган. Қўлида катта жомни ушлаб турган махлук кут-барака белгиси сифатида эъзозланган.

Кўхна шаҳарнинг Минг устунлар мажмуаси Жангчилар

ҳарамидан жануброқда жойлашган бўлиб, каттагина майдонни эгаллайди. Археологларнинг таҳминига кўра, ушбу устунлар айлана кўринишида бўлиб, томи қамиш билан ёпилган. Унинг остидан ўша даврга хос бозор жой олган экан. “Му-

қадас Сенот” кудуги Кукулькан пирамидасидан шимолроқда жойлашган. Кудуққа эни 10, узунлиги 300 метрга тенг текинис йўл олиб борган. Кудуқнинг диаметри 60, умумий чуқурлиги 50 метр атрофида бўлган ва у ерга қурбонликка маҳкум этилганлар ташланган. Чичен-Ицадаги яна бир кудуқ “Сенот Штолок”дан эса фақат сув ичилган.

Бундан ташқари, шаҳарда тўп ўйналадиган 9 та ўйин майдончаси ҳам бўлган. Уларнинг энг каттаси эраимизга қадар 864 йилда бунёд этилган бўлиб, узунлиги 135 м., эни 70 м.ни ташкил қилган. Қолган ўйин майдончаларининг ўлчамлари эса 83х30 метр атрофида бўлган. Ўйин майдончаларининг девор баландлиги 8 метрни ташкил қилган. Деворларда ўша даврга хос урф-одатлар ва етти кишидан иборат ўйинчилар тасвирланган.

Иншоотнинг яна бир диққатга сазовор қурилмаларидан бири Ягуар ҳарамидир. Ҳарамга ўйин майдончасининг шарқий томонидан ўтилган. Унинг бундай номланишига шу ердан топилган ягуар кўринишидаги ҳайкалчалар сабаб бўлган бўлиши мумкин. Археологларнинг ҳисоблашича, ушбу ҳайкалча-

лар бир пайтлар ҳарамнинг киравериш қисмини беэзаб турган. Ҳарамга олиб кирувчи зинапоаяларда эса илон кўринишидаги ҳайкалларни кўриш мумкин. Қадимги шаҳардаги ҳар бир қурилма ўзаро уйғун бўлган ва у ерга қурбонликка маҳкум этилганлар ташланган. Масалан, Ягуар ҳарамни орқали ўйин майдончасига ўтилган. Худди шундай бошқа ҳарамларда ҳам ўтиш йўллари бўлган. Шунингдек, қадимги шаҳар ўзининг кичик пирамидаси, қизил ўйи, аёллар монументи ва спиралсимон каракол зинапоаяси билан ҳам сайёҳлар эътиборига тушган.

Чичен-Ицада 1923 йилдан буён археологик тадқиқотлар ўтказиб келинади. Лекин, кўхна шаҳар учун бунинг ҳеч қандай фойдаси бўлмади. Фақат ўтган асрнинг 70-йилларидагина жанубий ва шарқий Кастильода реконструкция ишлари олиб борилди. 1990-1991 йилларда эса Минг устунлар мажмуаси ва унинг бозор қисми қайта тикланди. Ҳозир улкан тарихий аҳамиятга эга бу иншоот Мексика ҳукумати ва ЮНЕСКО ҳамоясига олинган. 2007 йилда эса Чичен-Ица дунёнинг янги етти мўъжизаларидан бири сифатида тан олинди.

Зафар МУҲАММАД

Намибия пойтахтидан 450 километр шимолроқдаги ерга кулаб тушган улкан Хоба метеоритнинг оғирлиги тахминан 50 тоннага тенг.

Дунёдаги энг йирик мева Сейшел пальмаси мевасидир. Унинг вазни 20 килограмм.

Ким гипнозга мойил?

СТЭНФОРД УНИВЕРСИТЕТИ (АҚШ) ОЛИМЛАРИ ГИПНОЗ МУОЛАЖАСИ КИМГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШНИ АНИҚЛАШДИ.

Уларнинг хулосасига кўра, гипнозга мойил инсонлар муҳим қарорга келиши осон бўлиб, тезда диққатни бир жойга жамлай олишади. Аксинча, гипнозга ихлоси йўқ инсонларда ён-атрофдагиларга паст назар билан қараш, сохта ва ёқимсиз одатларга амал қилиш, одамларга ишонмаслик ҳисси кучли экан. Мутахассислар гипнозни транс ҳолатига ҳам тенглаштиришади. Шу боис, гипноз ёрдамида инсон ўзини қийнаётган муаммо, оғрик ва хавотирлардан халос бўлади.

Энг оғир қовок

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, ШВЕЙЦАРИЯЛИК ФЕРМЕР ТОМОНИДАН ЕТИШТИРИЛГАН ҚОВОҚНИНГ ОҒИРЛИГИ 768,5 КИЛОГРАММИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

Бени Майер "Европадаги энг оғир қовок эгаси" деган номни олишга жиддий бел боғлаган кўринади. Ҳозир фермер ўзи етиштирган баҳайбат қовоғи билан турли ярмаркаларда қатнашапти. Манбада келтирилишича, Майер шу яшқанба куни улкан қовоғини Германиянинг Людвигсбург шаҳрида бўлиб ўтадиган аънавий мева ва сабзавот ярмаркасида ҳам намойиш этади. Омад кулиб боқса, фермернинг нияти ижобат бўлиб, унинг меҳнат маҳсули бўлмиш қовок "Европадаги энг оғир қовок" деб топилиши ҳам мумкин.



Ҳосил байрами

ШУ КУНЛАРДА НЕМИС ХАЛҚИ ТАБИАТНИНГ ҒАМХЎРЛИГИ ВА ОДАМЛАРГА ИҶОМ ЭТГАН НОЗ-НЕЪМАТЛАР УЧУН ШУКРОНАЛИК КЕЛТИРИШДИ.

Ҳосил байрами Германияда азал-азалдан нишонлаб келинган. Қадимда деҳқонлар ҳосилнинг мўл бўлиши руҳларга боғлиқ, деб ўйлашган. Шу боис, ҳосил байрами уларни шод қилиш мақсадида ўтказилган экан. Бугунги кунда эса немислар ҳосил байрамини йғим-терим даврининг тугаши муносабати билан нишонлайди. Байрамнинг тантанали қисми черковларда бўлиб ўтади. Шу кун деҳқонлар бугдой бошоқлари, мева-чева ва сабзавотлар билан черков меҳробини безаб, байрамни катта шодибоналик билан кутиб олишади.

"Туякуш" ёстиғи

ЯПОНИЯЛИК ДИЗАЙНЕРЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА МИРИҚИБ УЛАШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ АНТИҚА ЁСТИҚ КАШФ ҚИЛИШДИ.

Синтетик материаллардан тайёрланган "Туякуш" ёстиғи нафақат энгил ва қулайлиги, балки бошга кийилиши билан ҳам оддий ёстиқдан фарқ қилади. Уни кийган одамнинг нафаси қайтиб кетмаслигини ҳисобга олган кашшофлар нафас олиш органи учун махсус тешиклар қолдиришган. Фоя муаллифларининг айтишича, бундай ёстиқ соҳиб истаган жойда, масалан, аэропорт терминали, темир йўл вокзали, ишхона ёхуд тақир ерда ҳам улаши мумкин.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

КЎЗГҮ



САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Маданият ва санъат байрами

ART WEEK STYLE.UZ — 2012 САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ ЯҚУНЛАНДИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу нуфузли тадбир санъатимизнинг бугунги ютуқлари, бебаҳо анъана ва миллий қадриятларимизни жаҳон миқёсида намойиш этишда муҳим аҳамият касб этди. Ташкилотчиларнинг эътирофи эътиборига, бу йилги ҳафталик санъат декадасига айланган кетди. Дарҳақиқат, 10 кун давомида пойтахтимиз Тошкент хорижий ижодкорлар, санъатшунослар, жаҳон кино, театр, мода оламининг таниқли вакиллари, санъат ихлосмандлари, мухбир ва журналистлар билан гапжам бўлди.



Ҳар йили куз фаслида юртимизда аънавий тарзда ўтказиб келинаётган, санъат ва маданият йўналишидаги энг ёрқин лойиҳа — Art Week Style.uz тадбири ўзининг ранг-баранг дастурлари, истеъдодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган танлов ҳамда фестиваллари билан хорижий мутахассисларнинг эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Бунга ҳафталик давомида хорижий меҳмонлар билан сўхбатлашганимизда ҳам амин бўлдик.

САРА АТКИНСОН, Лондон санъат университети ва мода коллежи махсус лектори:

— Фонд Форум ташкил этган санъат ҳафталиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо, бир нарса ни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу лойиҳалар халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда. Мана олти йилдирки, ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бизнинг талабалар ўзбекистонлик тенгдошлари билан биргаликда янги дизайнлар яратиш билан бирга, атлас, адрес, бекасма каби матолар, уларнинг тарихи ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

Ўзбекистонлик ёшларнинг мода ва дизайн санъатига қизиқиши ниҳоятда баланд экан. Уларнинг ҳафталик доирасида ўтказилган "Аънавий маҳорат ва ижод" халқаро анжуманида фаол иштирок этгани, билдирган фикр-мулоҳазаларини эшитиб, шундай хулосага келдик. Қолаверса, мамлакатнинг мода ва дизайн йўналишида ўқув юрларининг борлиги, у ерда етук қадрлар тайёрланаётгани, соҳани янада рағбатлантириш бораётганидан дарак беради.

Art Week Style.uz-2012 санъат ҳафталиги 4 октябрь кунини пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида тантанали равишда очилди. Маросимда сўзга чиққанлар, ҳар йили юксак савияда ташкил этилаётган махсус санъат ҳафталиги ёшларимизнинг маънавий дунёқараши ни юксалтириш, миллий санъатимиз, қадриятларимиз қатори жаҳон кино, театр, мода санъати билан яқиндан танишиш, билим ва маҳоратини оширишдек эзгу мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

VI "TASHKENTALE — 2012" ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ФОТО-БИЕННАЛЕСИ

Визуал санъат борасидаги йирик лойиҳа, — олтинчи "TashkentALE — 2012" Тошкент халқаро фотобиеннаlesi ҳам 4 октябрь кунини иш бошлади. Фонд Форум ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида, "Мен дунё ичраман: дунё мен ичра" мавзусида ўтказилган бу йилги тадбирда "Оилага бағишланган энг яхши фотография", "Энг яхши кураторлик лойиҳаси", "Энг яхши бадий фотография", "Энг яхши экспериментал фотография", "Ёш фото-

рассомнинг энг яхши асари" номини асос қилиб, тақдирланди. Кўргазмада дунёнинг 35 давлатидан 200 дан ортиқ муаллифнинг 1500 дан кўпроқ асари намойиш этилди. 28 та кўргазмадан ташқари, фотобиеннале доирасида франциялик Георгий Пинхасов, Паола Роверси, россиялик Ирина Михайлова, япониялик Наоюки Огино ҳамда испаниялик Антор Ларадан маҳорат дарслари, Тошкент Фото уйида "Фотосанъат: ўтмиш, бугун, келажак" деб номланган анжуман ҳам ўтказилди. Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган афсонавий фото устаси Макс Пенсон ва франциялик машҳур фоторассом Пао-

ло Роверси асарлари кўргазмаси, таниқли мусавир Оганес Татевосянининг "Самарқандча сюита" кўргазмаси ҳамда франциялик рассом Тран Тронг Ву экспозицияси кўпчилигида қизиқиш уйғотди.

— Мен тасвири бўшлиққа жойлаштириш учун шифоф пластиклардан фойдаланаман. Уларда акс этган суратлар худди ҳавода муаллақ турганга ўхшайди. Тошошбин улар билан бирга ёнма-ён туриши, уни ҳар томондан кўриши мумкин. Асарларим шунчаки пластик эмас, балки ўзига хос қарашларимни тошошбинга ётказиб беришдир. Мақсадим — юксакликка интилиб, суратларга янгина талаб билан ёндашиш, — дейди рассом Тран Тронг Ву.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси залларида тошошбинлар Испания, Грузия, Италия, Украина, Беларусь, Япония, Хитой ва ўзбекистонлик фоторассомларнинг халқаро лойиҳалари ҳамда шахсий кўргазмаларидан баҳраманд бўлишди. Фотосанъатнинг бетақдор ва ноёблиги, ранг-баранг ва аҳамиятлиги яна бир бор тошошбин синовидан ўтди. Айниқса, Буюк Британиялик таниқли рассом Аня Сандинг 2007-2011 йиллар давомида ишланган 17 та картинадан иборат "Мавҳум тафаккур" деб номланган кўргазмаси тошошбин ва мутахассисларни олқишига сазовор бўлди.

Тошкент Фото уйида япониялик ижодкор Кибэ Каода ва Широ Широхатолар "Япония тимоли — сирли Фудзияма" номли шахсий кўргазмалари орқали табиат уйғунлиги ва гўзаллигини ўларнинг оқ-қора фото асарлари орқали кўрсатиб бердилар. Шунингдек, санъат ҳафталиги давомида Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий кўргазмалар зали ва Самарқанддаги "Чорсу" галереясида 30 дан ортиқ мамлакатлардан танлов учун юборилган асарлар намойиши ўтказилди.

Фонд Форум ва ALIKHAN PHOTOGRAPHY ҳамкорлигидаги "Авлодлар алмашиди, уф-одатлар қолади" деб номланган махсус лойиҳа санъат ҳафталиги воқеаси бўлди, десак адашмаймиз. Сабаби, мақсуд лойиҳа илк бора Тошкентда варио-фотография санъатининг аjoyиб намуналарини тошошбинлар эътиборига ҳавола этди. Кўргазма Россия ва Фран-

цияда намойиш этилган бўлиб, ундаги асарларни Ўзбек халқига хос аждодлар мероси ва анъаналаримизга эҳтиром мавзуси бирлаштириб туради.

II "ОЛТИН ГЕПАРД" ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФОРУМИ

Art Week Style.uz-2012 санъат ҳафталигининг иккинчи кунини, кеч оқшом "Туркистон" саройида, II "Олтин гепард" Тошкент халқаро кинофорумининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижодий ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, таниқли санъаткорлар, миллий кино санъатимиз мутахассислари, актёр, режиссёр ва тасвирчилар, кино ихлосмандлари ҳамда юртимиз ва хорижий ОАВ ходимлари иштирок этди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган, "Яширин уйғунлик ошқорасидан қулчирок" шиори остида ўтказилган бу йилги киноанжуман юксак савияда ташкил этилганили билан кўпчилигида қизиқиш уйғотди.

Филипп БЕРГСОН, кинотанқидчи (Буюк Британия):

— Бугунги глобаллашув даврида миллийлик, қадрият ва анъаналар ҳақида фильм яратиш ижодкордан жуда катта маҳорат ва билим талаб этади. Режиссёр қандай фильм яратиш кераклигини бу каби фестивалларда иштирок этиш воситасида билиб олади. Ўзини синовдан ўтказиши, тажриба алмашиши. Ҳар бир ижодкор учун бу жуда ҳам муҳим. Ўзбек режиссёрларининг асарларини носаноат ривожланиб бораётгани сездим. Буларнинг бари ижодкорларга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Юртингизда ўлаётган ҳар бир кун биз ижодкорлар учун қизиқарли ва таассуротларга бой бўлмоқда. Бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи, «City Makop» маданий-маърифий кўнгилочар маркази, «Premier-Hall» кинотеатрида анжуманга тақдим этилган фильмлар тақдими, тан-

ловдан ташқари "Замонавий ўзбек кинеси панорамаси", "Томошбин билан юзма-юз" ва "Франциялик таниқли режиссёр Жак Тати фильми ретроспективаси" дастурлари муҳлислар эътиборига ҳавола этиб борилди. Саралашдан ўтган 12 та тўлиқ, 10 та қисқа метражли ҳамда 10 та анимацион фильмлар таниқли санъаткор ва кинотанқидчилардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан махсус мезонлар асосида баҳолаб борилди. Шунингдек, кинофорум доирасида замонавий кинонинг долзарб муаммоларига бағишланган "Замонавий кино: замон, макон ва кўнгли" мавзусида халқаро анжуман, давра суҳбати, ижодий учрашув ва брифинглар ҳам уюштирилди.

Залга қоронғулик чўкиб "Олтин Гепард" Тошкент халқаро кинофорумнинг тантанавор мусиқаси янгради. Шундай қилиб, яна бир кинофорум якунига етди. Хайбат аъзоларининг хулосасига кўра, "Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун" номинациясига — польшалык режиссёр Феликс Фалькнинг "Иоанна" картинаси, "Энг яхши қисқа метражли фильм учун" номинациясига эронлик режиссёр Сайфулла Самадиёвнинг "Беш қисқа ҳодиса" киноасари муносиб, деб топилди. Шунингдек, хорижалик режиссёр Велико Поповичнинг "Мухаббат тарихи" фильми "Энг яхши анимацион фильм учун" номинациясига сазовор бўлди. Актёр Ованес Торосян режиссёр Константин Божановнинг "АВЕ" фильмидаги роли учун (Болгария) — "Энг яхши эркак роли", актриса Урсула Грабовска режиссёр Феликс Фалькнинг "Иоанна" бадий фильмидаги роли учун (Польша) "Энг яхши аёл роли" номинациясини қўлга киритди. Режиссёр Роландо Колла "Эзги ўйинлар" фильми учун (Швейцария-Италия) "Энг яхши режиссура" номинациясига лойиқ кўрилди.

"THEATRE.UZ/2012" ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида, бир ҳафта давомида Art Week Style.uz — 2012 санъат ҳафталиги доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар театри, Маданият ва спорт ишлар вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш биразмаси ҳамкорлигида ташкил этилган учинчи "Theatre.uz/2012" халқаро театр фестивалининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар, бундай фестиваллар ўзбек миллий театр санъатининг бугунги ютуқларини кенг миқёсда намойиш этиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва жаҳон сахна асарларининг энг сара намуналарини тошошбин ва меҳмонларга яқиндан таништиришга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Бу йилги театр фестивали дастури ранг-баранг бўлиб, турли жанрлардаги спектакллари билан энг талабчан муҳлисни ҳам таъсирлантира олди.

Ҳафталик давомида Ўзбекистон ва Германия театр ижодкорларининг қўшма лойиҳаси - "Бизнинг афсона", "Аёл", "Ҳалоллик истаб

келдим", "Африка гўзали", "Кенг қамровли", "Шум бола", "Хўжа Насриддиннинг беш хотини", "Ромео ва Жульетта" каби спектакллар тошошбин ва мутахассислар ҳўқмига ҳавола этиб борилди. Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев, германиялик рассом Луц Ховфман, грециялик сахна ҳаракати ва жанг маҳорати артисти Геннадий Пачис, Лондон Кинолик театри режиссёри Керри Майкл иштирокида маҳорат дарслари ўтказилиб, "Нодирабегим" спектакли намойиш этилди. Шунингдек, Сирдарё вилоят театрининг "Ойдинда юрган одамлар", Санъат ва маданият институтида саҳналаштирилган "Искандар", "Садоқат", Фаргона вилоят театрининг "Меҳмонхона бекаси", Ўзбекистон рус академик драма театрининг "Сен билан ва сенсиз", Қашқадарё вилоят театрининг "Бобомнинг орзуси" ҳамда Болгария драматик театрининг "Картон қутиларидаги ҳаёт" асарлари намойиш этилди. Фестивалнинг сўнгги кунда замонавий театр санъати масалалари бўйича илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Бу йилги театр фестивали нафақат санъат шодиёнаси, балки дўстлик, биродарлик байрамига ҳам айланиб кетди. Санъат воситасида турли миллатлар бир-бирини яқиндан таниш имкониятига ҳам эга бўлишди.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ФЕСТИВАЛИ

"Ранглар, орзулар ва туйғулар ҳамоҳанглиги" шиори остида ўтказилган Миллий либослар фестивали ва мода йўналишидаги лойиҳалар барчани ўзига мафтун этди. Намойиш этилган миллий либослар ва мода кўргазмалари раъзий ва фалсафий маънога эга эканлиги билан тошошбинда катта таъассурот қолдирди. "Underground" — ёш дизайнерлар намойишида иштирок этган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти магистри Раъно Холбоева шундай деди: - Ҳар йили санъат ҳафталигида иштирок этаман. Бу йилгиси жуда бошқача ўтмоқда. Кўрсатишимдан Камола Асомова, авангард усулида, Нилуфар Юнусхўжаева миллий йўналишдаги либослар тўплами билан қатнашди. Жаҳон мода олами намойишдаларидан олган маҳорат дарслари биз ёшларга ижод ва дунёқарашимизни шаклланишига катта қўмақ беради ва ҳақиқий илҳом манбаи, десам адашмайман.

Санъат ҳафталиги доирасида "Миллий маънавият, шарқона тарқийётни шакллантиришда ва ривожлантиришда меъморий эпиграфикнинг роли, ўрни ҳамда салмоқли ҳиссаси" мавзусида халқаро анжуман, ташкилотчилар ва меҳмонлар иштирокидаги матбуот анжумани, "Сеҳрли тугунча" Озарбойжон гиламлар кўргазмаси, заргарлик буюмлари намойиши, "Сартарошлик санъати" халқаро танлови, таниқли дизайнерлардан маҳорат дарслари, аънавий санъат, мода ва дизайн кўргазмалари, хайрия тадбирлари ва гала концертлар ўтказилди. Юртимизда 2006 йилдан буён Фонд Форум томонидан "Модалар уйи" билан ҳамкорликда ўтказилаётган Art Week Style.uz санъат ҳафталиги доирасидаги барча тадбир ва лойиҳалар санъатимиз келажакини таъминлашга қаратилган амалий сый-ҳаракатлар миқосида ўз аксини топмоқда. Қисқа фурсатда мамлакатимиз ижод аҳли орзиқиб кутадиган маънавият ва маърифат, санъат ва нафосат байрамга айланиб улгурди. Юртимизда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, янада сайқал топтириш, санъатга иштиёқи баланд, истеъдодли ёшларни излаб топиш ҳамда уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида олдидан борилётган ишларни янада ривожлантиришда бундай санъат ҳафталигининг аҳамияти катта.

Эркин Йўлдош, "Milly tiklanish" мухбири